


# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2016 йил 20 август, № 162 (6597) Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


Озиқ-овқат саноати:

# ТАРКИБИЙ ЎЗГАРИШЛАР, САМАРАЛИ ДАСТУРЛАР

*Мамлакатимиз иқтисодиётида амалга оширилаётган чуқур таркибий ўзгаришлар, қабул қилинаётган ҳаётий дастурлар туфайли янги-янги тармоқларга асос солинмоқда. Хусусан, озиқ-овқат саноати истиқлол йилларида шаклланиб, юқори технологияли жабҳалардан бирига айланди. Натижада аҳолига сифатли истеъмол товарлари етказиб бериш ҳажми йил сайин ошиб, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга эришилмоқда.*








Фахрланарли жиҳати, озиқ-овқат дастурини амалга ошириш борасидаги тажрибамиз хорижлик экспертлар томонидан юксак баҳоланиб, халқаро ҳамжамиятда катта қизиқиш уйғотаяпти. Хусусан, у БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти томонидан ривожланаётган мамлакатларга намуна сифатида тавсия этилгани ҳам сўзимиз тасдиғидир.

Бироқ ушбу ютуқ осонликча қўлга киритилгани йўқ, албатта. Буни мустақиллик остонасида юртимиздаги ижтимоий-иқтисодий аҳволни хаёлан кўз олдига келтирган киши чуқурроқ ҳис қилади. 1989-1990 йилларда республикамиз аҳолиси учун зарур озиқ-овқат маҳсулотларида узилишлар юзага келиб, гўшт, сут ҳамда қандолат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжнинг атиги 30 — 35 фоизи таъминланган, холос. Мазкур ҳолат иқтисодиётда бутунлай янги тизим — озиқ-овқат саноатини ташкил этиш ва уни ривожлантиришни тақозо қиларди. Соҳага ихтисослаштирилган замонавий корхоналар барпо этилиб, йирик лойиҳалар амалиётга жорий қилина бошлангани тезда ўз самарасини бериб, ушбу тармоқда ижобий ўзгаришлар кузатила бошланди. 1997 — 1999 йилларда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми қарийб 2 баробар ошгани бунга яққол мисол бўла олади.

(Давоми 2-бетда).

ПАРЛАМЕНТ ҲАЁТИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси қўмиталари томонидан мамлакатимиз мустақиллигининг 25 йиллигига бағишлаб қатор тадбирлар ўтказилмоқда. Уларда ўтган даврда барча соҳада амалга оширилган кенг кўламли саъй-ҳаракатлар ҳамда эришилган ютуқлар эътироф этилиб, истиқболдаги вазифалар ҳақида атрофлича фикр алмашилмоқда.

# Изчил ислоҳотларнинг амалий ифодаси

Чунончи, парламент қуйи палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси томонидан Сурхондарё вилоятида депутатлар, вилоят молия, ғазначилик, назорат-тафтиш, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳудудий идоралари раҳбар ҳамда мутахассислари иштирокида ташкил қилинган давра суҳбатида чуқур ўйланган иқтисодий ислоҳотлар натижасида барқарор иқтисодий ўсиш суръати таъминланаётгани ва ижтимоий инфратузилмани ҳамда аҳоли фаровонлигини юксалтириш бўйича тизимли ишлар изчил давом эттирилаётгани таъкидланди.

Ўтган қисқа даврда мамлакатимиз қудрати ва иқтисодий салоҳияти тобора ортиб бораётгани эътиборга молик. Хусусан, ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръати охирги 11 йилда жаҳондаги саноқли давлатлар қаторида 8 фоиздан кам бўлмасдан келаётгани, аҳолининг ҳаёт даражаси ҳамда сифати яхшиланаётгани истиқлол йилларида эришилган улкан ўзгаришларнинг ҳаётий самарасидир.

Тадбирда юртимизда истиқлолнинг илк кунлариданоқ молия, солиқ ва банк тизимининг бошқарув органлари қайтадан барпо қилингани, бу иқтисодий мустақилликни қўлга киритишда муҳим қадам бўлгани алоҳида қайд этилди. Масалан, Молия вазирлиги тизими тубдан қайта ташкил қилинган бўлса, Давлат солиқ қўмитаси бутунлай янгиланди. Хусусий мулкчиликка асосланган ўнлаб янги тижорат банклари ташкиллаштирилди.

Давра суҳбатида Қонунчилик палатаси депутатлари сўнгги йилларда парламент томонидан қабул қилинган иқтисодий соҳага оид қонунлар, уларнинг мазмун-моҳияти ҳамда аҳамияти, бугунги кунда иш олиб борилаётган қонун лойиҳалари юзасидан ҳам маълумот беришди.

(Давоми 2-бетда).




# Хавфсиз, ишончли ва барқарор

## фаолият юритиш мамлакатимиз фуқаро авиациясининг устувор вазифасидир

ЖАРАЁН

Мустақиллик йилларида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар туфайли Миллий авиакомпаниямиз фақат йўловчи ташишда эмас, балки кучли рақобатга мослашган ҳолда, авиаташувлар хавфсизлигини таъминлашда ҳам жадал ривожланаётган улкан тизимга айланди. Ўтган вақт мобайнида замонавий техника ва технологиялар жалб этилиб, янги терминаллар, авиалайнерлар, тренажёрлар фойдаланишга топширилгани, ходимларнинг юқори касбий малакаси, умуман, авиакомпаниянинг бутун фаолияти халқаро ташкилотларнинг эътирофига сазовор бўлгани, унинг IOSA аудитидан муваффақиятли ўтгани, Халқаро ҳаво транспорти ассоциацияси — IATA аъзолигига қабул қилингани фикримиз тасдиғидир.

Дарҳақиқат, Президентимизнинг 1992 йил 28 январдаги Фармонига биноан, “Ўзбекистон ҳаво йўллари” Миллий авиакомпанияси ташкил этилиши билан юртимиз фуқаро авиацияси босқичма-босқич тараққиёт йўлига чиққан бўлса, бугунги кунга келиб, у минтақа ҳамда жаҳон авиаташувлар бозорида етакчилар қаторидан ўрин олиш баробарида, мамлакатимиз фахрига айланди. Жумладан, сўнгги беш йил давомида авиакомпанияда ўрта масофага қатновчи “Airbus-320”, янги йўловчи ва юк ташувчи “Boeing-767” самолётларининг эксплуатацияси бошланди. Шунингдек, авиакомпания парки ўнта янги “А320” ҳамда тўртта “Boeing-767-300ER” самолёти билан бойиди. “Навоий” аэропортида янги юк ва йўловчи терминаллари, Бухоро ҳамда Урганчда замонавий аэропортлар, “Тошкент — 3” янги маҳаллий йўналишлар аэровокзали, “Тошкент” аэропортида учиб кетувчи йўловчилар учун янги блок ва “Business Lounge Uzbekistan airways” янги зали ишга туширилди.

(Давоми 2-бетда).

# Юрт тинчлиги — фаровонлигимиз асоси

Халқимиз байрам шукуҳи билан яшамоқда, меҳнат жамоаларида истиқлол йилларида эришилган муваффақият ва ютуқларимиз ҳақида сўз юритилаяпти. Спортчиларимиз ўз медаллари, бунёдкорларимиз янги иншоотлар, деҳқону миришкорларимиз баракали ҳосили билан юртимиз тўйига муносиб туҳфа ҳозирлашаётир.

ИФТИХОР

Дарҳақиқат, жаҳонда “ўзбек модели” дея эътироф этилаётган тараққиёт йўли жамиятни демократлаштириш ҳамда либераллаштириш, мамлакатда амалга оширилаётган модернизациялаш ва таркибий ўзгартишлар барқарор суръатларда ривожланаётган илғор давлатни шакллантиришимизда муҳим асос бўлди.

Мустақиллик йилларида шаҳару қишлоқларимиз тубдан ўзгарди, аҳоли турмуш шароити тобора яхшиланмоқда. Йилдан-йилга замонавий тураржойлар қурилиши кўлами ҳамда суръатлари ортиб бораяпти. Жумладан, жами тураржой фонди 1,9 марта ўсди, бир кишига нисбатан уй-жой билан таъминланишнинг барқарор ўсиш даражаси 12,4 кв. метрдан 15,4 кв. метрга етди. Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида якка тартибдаги уй-жойлар қурилиши бўйича мақсадли давлат дастурларининг ҳаётга татбиқ қилиниши бу борада алоҳида аҳамият касб этди.

2009 — 2015 йилларда мазкур дастурлар асосида барча қулайликка эга замонавий ҳамда шинам уй-жойлар барпо қилинди. Янги қишлоқ массивларининг қурилиши муҳандислик-транспорт коммуникациялари — ички йўллар, ичимлик суви таъминоти, табиий газ ва электр энергияси, шу жумладан, ижтимоий соҳа объектлари, яъни мактаб, болалар боғчаси ҳамда қишлоқ врачлик пунктлари, маҳалла гузари, минибанк, маиший хизмат кўрсатиш объектлари, шунингдек, савдо мажмуалари ва болалар спорт майдончаларининг замонавий лойиҳалар асосида бунёд этилишига замин яратди.

Давлатимиз томонидан намунавий лойиҳалар асосида ипотека кредитлари олиш бўйича шартнома тузаётган фуқароларга берилаётган имтиёзлар ҳам эътиборга молик. Ипотека кредитлари узоқ муддатга, яъни 15 йилгача бўлган даврга ажратилиб, кредитнинг асосий қарзи қайтарилиши бўйича 3 йиллик имтиёзли давр белгиланган ҳамда имтиёзли кредит фоизи 7 фоизни ташкил қилади.

(Давоми 2-бетда).

ИНТИЛИШ

Республикамиз мустақиллигининг 25 йиллиги нишонланадиган ушбу йилда “Ангрен” махсус индустриал зонасида 12 та корхона фойдаланишга топширилиши режалаштирилган. Бу, ҳудудда 90,4 миллион АҚШ долларилик инвестиция ўзлаштирилади, деганидир. Айни пайтда мазкур саноат тузилмалари бирин-кетин ўз фаолиятини бошлаяпти.

# Иккиламчи хом ашёдан сифатли маҳсулотлар

“Uz-Prista Resursling” қўшма корхонаси — шулардан бири. У иккиламчи хом ашё — фойдаланилган хўжалик ва мотор мойларини қайта ишлаш орқали яримсинтетик мой, печь ёқилғиси ҳамда битум тайёрлашга ихтисослаштирилган. Лойиҳа қиймати 15 миллион АҚШ долларини ташкил этувчи ишлаб чиқариш субъектида 50 га яқин кишиларнинг бандлиги таъминланди.

Мутахассисларнинг айтишича, қўшимча қийматга эга маҳсулотга нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам талаб катта. Шу сабабли бу ерда тайёрланаётган товарларнинг ўртача 40 фоизини экспортга йўналтириш мўлжалланмоқда.

**Раҳматилла ШЕРАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**





**«Ўзбек халқи янги давлатни барпо этди»**

**Миллионлар олқишига сазовор ўғлон**

**Бекиёс имкониятлар ва юксалиш одимлари**


# «Энг улуғ, энг азиз»

## республика танлови ғолиблари аниқланди

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллигига бағишланган “Энг улуғ, энг азиз” республика кўрик-танлови ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

ТАДБИР

Шу муносабат билан бу ерга Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Сенат аъзолари, турли вазирлик ва идоралар, ижодий ҳамда жамоат ташкилотлари вакиллари, санъат ва маданият намояндалари, шоир ҳамда ёзувчилар таклиф этилди.

Тадбирда мустақиллик йилларида ижод аҳлини қўллаб-қувватлаш, уларнинг ўз қобилияти ва иқтидорини тўла намоён этиши учун кенг имкониятлар яратилгани алоҳида таъкидланди.

Давлатимиз раҳбарининг 2016 йил 2 июндаги “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарорига асосан, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, “Тасвирий ойина” ижодий уюшмаси, Ёзувчилар уюшмаси, Миллий телерадиокомпания, “Ўзбеккино” Миллий агентлиги, Бадиий академия, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ҳамкорлигида уюштирилган танлов “Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!” деган эзгу ғояни ўзида мужассам этди.

(Давоми 2-бетда).

# Изчил ислоҳотларнинг амалий ифодаси

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бундай тадбирлар вилоятнинг Бойсун туманида ҳам ўтказилиб, унда республикамиз иқтисодий тараққиёти, мазкур йўналишда олиб борилаётган аниқ чора-тадбирлар ҳақида фикр алмашилди.

* * *

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси томонидан ташкил этилган семинар Ўзбекистонда мустақиллик йилларида тинчлик ва барқарорликни таъминлашга оид ҳуқуқий асосларнинг ривожланиши масалаларига бағишланди.

Депутатлар, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси, Тошкент олий ҳарбий техника билим юрти ҳамда Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактаби ўқитувчи ва курсантлари қатнашган мазкур тадбирда мустақил тараққиётимизнинг 25 йиллик даврида амалга оширилган изчил ислоҳотларнинг асосий йўналишлари атрофлича таҳлил қилинди. Мамлакатда жамиятни янгилаш, ҳуқуқий демократик давлат қуриш, бозор иқтисодиётини шакллантириш ҳамда такомиллаштириш, аҳоли турмуш фаровонлигини янада ошириш ва Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги муносиб ўрнини таъминлашга қаратилган тизимли ўзгаришлар атрофлича кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, жаҳонда "ўзбек модели" деб ном олган, ишончли ҳамда пухталигини амалда исботлаган ривожланиш стратегияси, Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясининг изчил амалга оширилиши ҳар бир соҳада эришилаётган ютуқлар гарови ҳамда тараққиёт пойдевори бўлиб хизмат қилмоқда.

Семинарда жамиятда барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва давлат хавфсизлигини таъминлашга оид долзарб масалалар ҳам кенг муҳокама этилди. Истиқлол йилларида ҳуқуқ-тартибот идоралари шаклланиши, тизимда ҳаётга татбиқ қилинаётган ислоҳотлар, қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти ҳамда уларни такомиллаштириш истиқболлари, шунингдек, тинчлик ва барқарорликни таъминлашда ҳуқуқни муҳофаза этувчи органларнинг ўрнига оид маърузалар тингланди.

Иштирокчилар парламент фаолияти ҳамда янги қабул қилинаётган қонунлар ва режалар ҳақида батафсил маълумотга эга бўлишди.

**Зиёда АШУРОВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Юрт тинчлиги — фаровонлигимиз асоси

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шунингдек, жисмоний шахсларнинг иш ҳақи ва бошқа даромадларининг имтиёзли кредит маблағлари ҳамда уларнинг фоизларини қоплаш учун йўналтирилган қисми даромад солиғи тўлашдан озод этилди, ер участкаси умрбод мерос қилиб қолдириладиган мулк сифатида расмийлаштирилмоқда.

Албатта, халқимиз учун яратилаётган бундай имкониятлар истиқлол йилларида ҳаётимизнинг барча жабҳасида орттирилган тажриба, қўлга киритилган улкан бунёдкорлик ишлари самараси, десак, айни ҳақиқатдир. Кўз ўнгимизда рўй бераётган ушбу янгилик ҳамда ўзгаришлар халқимизда ғурур ҳиссини уйғотаяпти. Бу, ўз навбатида, хорижликларнинг ҳам ҳавасини келтирмоқда. Ўзбекистонга ташриф буюраётган меҳмонлар аввал кўрганлари билан ҳозирги манзараларни қиёслаб, тарихан қисқа даврда рўёбга чиқарилган қурилиш ва ободонлаштириш ишларини эътироф этмоқдалар.

Ўзбекистонимизнинг бунёдкорлик салоҳияти янги йирик лойиҳаларни ҳаётга татбиқ қилишда ҳам намоён бўлаяпти. Хусусан, жорий йилдаги оламшумул ютуғимиз, бу — Қамчиқ довонида амалга оширилган тарихий қурилиш ишлари бўлди. Қисқа вақт ичида довон орқали ўтадиган автомобиль йўли реконструкциядан чиқарилди, умумий узунлиги 1,5 километр бўлган иккита туннель қурилди. Орадан кўп ўтмай, довон орқали ўтадиган темир йўл бунёд этилди. Бунинг учун узоқ масофали, яъни 19,2 километрлик туннель барпо қилинди. Бу, шубҳасиз, халқимиз бунёдкорлик салоҳиятининг амалий намойиши бўлди.

Темир йўл тизимида рўёбга чиқарилаётган лойиҳалар нафақат юк ҳамда йўловчи ташиш сифатини оширади, балки халқимизнинг турмуш даражасини ҳам юксалтиришга хизмат қилади. Ушбу электрлаштирилган "Ангрен — Поп" темир йўл линиясининг туннели дунё бўйича тоғли ҳудудларда жойлашган туннеллар рейтингида мураккаблиги бўйича 8-ўринни, узунлиги бўйича эса 13-ўринни эгаллайди.

Юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар, эришилаётган юксак натижаларнинг барчаси истиқлол неъматларидир. Айни чоғда у тинчлик-осойишталигимиз, фаровонлигимиз ва жаҳонда тенглар ичра тенглигимиз рамзи ҳамдир. Шундай экан, истиқлолимизни асраб-авайлаш ҳамда уни янада мустаҳкамлаш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир.

**Соҳибжон ИСМОИЛОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати.**

# ЭЗГУЛИК МЕЗОНИ

Мустақиллигимизнинг 25 йиллиги олдидан давлат ҳамда жамоат ташкилотлари томонидан жойларда турли маданий-маърифий кечалар, учрашув ва давра суҳбатлари, хайрия акциялари ўтказилаяпти.

**ЭЪЗОЗ**

Яқинда Наманган ҳамда Бухоро вилоятлари касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмалари томонидан олис туманларда яшайдиган хотин-қизлар иштирокида "Биз озод ва обод юрт аёлларимиз" шиори остида тарихий шаҳарларимизга саёҳат уюштирилди. Хусусан, наманганлик 36 нафар опа-синглимиз пойтахтимиз, Самарқанд ҳамда Бухоро шаҳарларининг тарихий обидалари ва диққатга сазовор масканларини томоша қилиб қайтишди.

— Истиқлол даврида юртимиз улкан бунёдкорлик майдонига айланди, — дейди мингбулоқлик М. Бурҳонова. — Самарқанд ҳамда Бухоро 25 йил ичида жудаям обод манзилга айланибди. Бу нафақат юртдошларимиз, балки хорижликларни ҳам ўзига мафтун қилаяпти.

Бухоролик 40 нафар хотин-қиз эса қайта жамол очган Баҳоуддин Нақшбанд ва Хўжа Саид Мир Кулол зиёратгоҳлари, Ситораи Моҳи-Хосса, Арк қалъаси, Минораи Калон каби тарихий обидалар ҳамда Самарқанддаги Имом ал-Бухорий, Гўри Амир, Шоҳи-Зинда мақбаралари, Улуғбек ҳамда Бибихоним мадрасалари, Регистон мажмуаси, шунингдек, ушбу икки азим шаҳарда сўнгги йилларда барпо қилинган замонавий иншоотлар, хиёбонлар ва бошқа бунёдкорлик намуналари билан танишдилар.

Андижон вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ўтказган тадбир кексалар, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларни қўллаб-қувватлаш, аёллар меҳнатини енгиллаштириш ҳамда уларнинг ижтимоий-маиший шароитини янада яхшилашга йўналтирилгани билан аҳамиятли бўлди. Касаба уюшмаси стипендиантлари, ногирон ўқувчи-талабалар, кўп болали ва эҳтиёжманд оилалар вакиллари ҳамда хизмат даврида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ички ишлар идоралари ходимлари оилалари моддий қўллаб-қувватланди.

Ижтимоий йўналтирилган ана шундай тадбирлардан бири Ўзбекистон касаба уюшмалари тизимидаги "Ботаника" санаторийсида ташкил этилди. Унда алоҳида таъкидланганидек, мустақиллик туфайли қадр-қимматимиз, тилимиз, муқаддас динимиз, урф-одатларимиз тикланди. Муҳими, шу азиз Ватанда истиқомат қилаётган ҳар бир инсон эъзозу қадр топмоқда.

— 82 ёшдаман, — дейди Шаҳрисабздан келган Х. Шукурова. — Мустақил юртимизнинг бугунги жамолини кўриш насиб этганидан, юксак ғамхўрлик оғушида яшаётганимдан беҳад бахтиёрман. Биз учун мана шундай шароит ҳамда имкониятларни яратиб бераётган инсонлар доимо омон бўлишсин.

— Юртимиз тинч ва фаровон. Шу кунларнинг қадрига етиб, уни асраб-авайлаш, доимо огоҳ ҳамда ҳушёр бўлиб яшаш, она-Ватанимиз равнақига муносиб ҳисса қўшиш ҳар биримизнинг бурчимиздир, — дея Холбиби онанинг гапини давом эттирди Косон туманидан келган ўқитувчи Ю. Умарова.

Термизда вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси маданият ва спорт ишлари бошқармаси билан ҳамкорликда ташкил этган "Бахши — шоир, оқин ва жировлар" кўрик-танлови қизиқарлилиги билан кўпчиликнинг ёдида қолди. Унда воҳада ижод қилаётган 38 нафар бахши, шоир ҳамда оқин қатнашди.

Тадбирда қайд этилганидек, мустақиллик йилларида бахшичилик санъатини янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани боис соҳада салмоқли ютуқларга эришилмоқда. Хусусан, Президентимиз ташаббуси билан "Ўзбекистон Республикаси халқ бахшиси" фахрий унвони таъсис қилингани фикримиз исботидир.

— Шундай танловни ҳар йили ўтказиш ниятидамиз, — дейди вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси раиси А. Аҳмедов. — Шу мақсадда янги қурилаётган "Амударё" спорт-соғломлаштириш маркази қошида бахшичилик мактабини очмоқчимиз. Кўрик-танловда иштирокчиларнинг асарлари хусусияти, матн ва оҳанг уйғунлиги, ижро маҳорати ҳамда саҳнада ўзини тута билиш маданияти, сўз ўйини, мақол ва халқ ибораларидан унумли фойдаланиши каби муҳим жиҳатлар инобатга олинди. Якунда шерободлик Ш. Хўжамбердиев зафар қозонди.

Бундай тадбирлар республикамизнинг барча ҳудудида бўлиб ўтмоқда.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# «Энг улуғ, энг азиз»

## республика танлови ғолиблари аниқланди

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ижодий танловдан кўзланган асосий мақсад истиқлол йилларида эришилган улкан марраларнинг мазмун-моҳиятини адабий, тасвирий санъат, фотография, кино асарлари, оммавий ахборот воситалари орқали кенгроқ очиб беришдан иборатдир.

Танловнинг мамлакат босқичига Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатаётган 390 нафар ижодкордан истиқлолимизнинг қадр-қимматини, бугунги тинч ҳамда осуда ҳаётимиз, барча жабҳада эришилаётган улкан ютуқлар аҳамияти ифода этилган 4000 га яқин ижодий ишлар тақдим қилинди.

Тақдирлаш маросимида ҳар бир йўналиш бўйича 1, 2, 3-ўринлар ғолиблари ва рағбатлантирувчи мукофот соҳибларига диплом ҳамда эсдалик совғалар топширилди.

**Омонулла ФАЙЗИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Хавфсиз, ишончли ва барқарор

## фаолият юритиш мамлакатимиз фуқаро авиациясининг устувор вазифасидир

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бундан ташқари, юртимизда ишлаб чиқарилган "Ил-114-100" самолётлари ҳам муваффақиятли эксплуатация қилинмоқда.

Авиакомпания парвозлар географияси ҳам янги йўналишлар билан бойиб бораётир. Мазкур жараёнда республикамиздаги аэропортлар реконструкциядан чиқарилиб, модернизациялаштирилгани, ишончли ҳамда такомиллаштирилган техникалар билан таъминлангани айни муддао бўлмоқда. Ҳозирги кунда аэропортларимизнинг ҳаммаси халқаро мақомга эга. Халқаро интермодал логистика маркази фаолият юритаётган "Навоий" аэропортидан Деҳли, Мумбай, Дубай, Франкфурт, Шанхай, Сеул, Милан, Вена, Ханой, Сарагоса ва Теҳронга юк қатновлари йўлга қўйилган. Биргина ўтган йилнинг ўзида ушбу марказдан 692 қатнов амалга оширилиб, 35989,2 тонна (аввалги йилдагига нисбатан 16 фоиз кўп) юк ташилди.

Яна бир эътиборга молик жиҳати, Миллий авиакомпаниямиз тренажёр мажмуасида "А320", "Boeing 757/767" ҳаво кемаларининг замонавий тренажёрлари ҳамда "Ил-114-100", "А320" самолётларининг "Full-flight" симуляторлари ўрнатилган бўлса, жорий йилнинг ноябрь ойида "Boeing 757/767" самолётининг янги "Full-flight" симулятори ҳам ишга туширилиши кутилмоқда. Бу эса учувчиларнинг реал воқеликда парвозларни бажариш ва ностандарт ҳолатларни бартараф этиш кўникмаларини ошириш имкониятини янада кенгайтиради.

Ҳаводаги ҳаракатни бошқариш тизимини модернизация қилиш борасида ҳам кўламли ишлар олиб борилди. Бунга Ўзбекистон ҳаво кенгликларидан фойдаланувчилар сафини кенгайтириш ҳамда парвозлар хавфсизлигини янада мустаҳкамлашга қаратилган "RVSM" (вертикал эшелонлашнинг қисқартирилган минимуми) ва "QNH" (бутунжаҳон парвоз баландлигини ҳисоблаш) янги тизимлари жорий этилганини мисол сифатида келтириш мумкин. Пировардида Миллий авиакомпаниямиз ҳаво лайнерларида ўтган йилда 23 минг 269 қатнов амалга оширилиб, унинг хизматларидан 2 млн. 572 мингдан зиёд йўловчилар фойдаланди. Бу кўрсаткич жорий йилнинг биринчи ярмида 10 минг 671 қатнов, 1 млн. 176,9 минг йўловчини ташкил этди.

Айни пайтда Осиё, Европа, Америка ва Японияning 40 дан зиёд шаҳарларига парвозларни амалга ошираётган "Ўзбекистон ҳаво йўллари" Миллий авиакомпаниясида яқин кунларда келтирилиши кутилаётган "Boeing-787 Dreamliner" самолёти эксплуатациясига ҳозирлик кўрилмоқда. Энг замонавий, узоқ масофага учувчи мазкур ҳаво лайнери инновацион технологиялар асосида яратилган ҳамда юқори иқтисодий самарадорликка эга. Самолёт салони дизайнига мутлақо янгича ёндашилган. Унда экипаж аъзолари ва йўловчиларга узоқ парвоз учун барча қулайлик яратилган.

Таъкидлаш жоизки, авиакомпаниянинг истиқболи унинг режаларида намоён бўлмоқда. Ҳозирги кунда Жанубий кореялик ҳамкорлар билан яна бир қўшма лойиҳа — Марказий Осиёда энг замонавий бўлиши кутилаётган "Тошкент — 4" янги йўловчилар терминалининг қурилиши лойиҳаси устида иш олиб борилмоқда. Муҳими, Ўзбекистон фуқаро авиацияси жаҳон авиасаноати майдонида хавфсиз, ишончли ҳамда барқарор авиаташувчи мақомини сақлаган ҳолда, янги, сифат борасида янада юқори даражага кўтарилмоқда.

Президентимизнинг 1995 йил 21 июлдаги Фармонига мувофиқ, август ойининг учинчи якшанбаси юртимизда "Ўзбекистон Республикасининг Ҳаво флоти куни" сифатида нишонланади. Бугун ана шундай кўтаринки кайфиятда бўлган авиакомпаниямиз жамоаси мамлакатимиз қудрати ва иқтисодиётини мустаҳкамлаш, халқаро ҳамда ички қатновни таъминлаш йўлида астойдил меҳнат қилмоқда.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Озиқ-овқат саноати:

# ТАРКИБИЙ ЎЗГАРИШЛАР, САМАРАЛИ ДАСТУРЛАР

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Тармоқда сифат жиҳатидан юксалиш даври 2000-йилдан кейинги йилларга тўғри келади. Ушбу даврда фермерлик ҳаракатининг жадал суръатларда тараққий этиши, меҳнатсевар халқимизнинг тадбиркорлиги бундай натижа қўлга киритилишига мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилди. Пировардида ҳатто 2008-2009 йилларда жаҳонда юз берган глобал молиявий-иқтисодий инқироз ҳам мазкур тармоққа салбий таъсир кўрсата олмади.

Айтиш жоизки, соҳанинг шаклланиш даврида турли муаммолар ҳамда қийинчиликлар юзага келгани табиий. Шулардан бири — хом ашёнинг етишмаслиги бўлди. Айтайлик, 1991 — 1994 йилларда 770 — 820 минг тонна гўшт ва 3,4 млн. тонна сут етиштирилгани саноат усулида қайта ишланган озиқ-овқат маҳсулотлари миқдорининг кам бўлишига олиб келди. Қишлоқ хўжалигини ислоҳ этиш ва таркибий ўзгартириш бўйича олиб борилган давлат сиёсати саноат учун хом ашё базасининг кенгайишини таъминлади.

Бугунги кунда яратилган қулай ишбилармонлик ҳамда инвестиция муҳити озиқ-овқат саноати ривожида муҳим омил бўлмоқда. Ахир иқтисодиётимизга жалб қилинаётган инвестицияларнинг асосий қисми, биринчи навбатда, ишлаб чиқариш объектларини қуриш, уларни энг илғор ускуналар билан жиҳозлашга йўналтирилаяпти. Натижада соҳада фаолият юритаётган ишлаб чиқариш субъектлари сони 9 мингтага етди. Ваҳолонки, 1991 йилда бу кўрсаткич 1000 тани ташкил этар эди.

Шу ўринда эътиборингизни бир жиҳатга қаратсак. Бугунги кунда соҳа корхоналари Австрия, Германия, Польша, Жанубий Корея, Хитой каби 20 дан ортиқ хорижий мамлакатларнинг энг замонавий технологик ускуналари билан жиҳозланаяпти. Бу юқори сифатли, ташқи бозорларда рақобатдош маҳсулот тайёрлашда қўл келмоқда. Пировардида "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" ёрлиғи туширилган маҳсулотларимиз дунёнинг 80 дан ортиқ давлатларига сотилаяпти. Фақатгина охирги 10 йилда мева шарбатлари экспорти 2, бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари экспорти ўртача 1,5 баробар кўпайди. Ўз навбатида, валюта тушуми 6 маротаба ортди.

Бундай ижобий ўзгаришлар юртдошларимизнинг ҳаёт даражаси юксалиб, турмуши тобора фаровонлашиб бораётганида ўз ифодасини топмоқда. Мисол учун, 1990 йилда аҳоли жон бошига гўшт ва гўшт маҳсулотлари 31 килограммдан, сут ва сут маҳсулотлари 183 килограммдан, мева-сабзавот ҳамда полиз маҳсулотлари 107 килограммдан тўғри келган бўлса, ўтган чорак аср мобайнида ушбу кўрсаткичлар 1,5-2,5 баробар ортгани, энг муҳими, истеъмол таркиби сифатли маҳсулотлар ҳисобидан ўзгариб бораётгани таҳсинга лойиқ.



Президентимизнинг 2016 йил 18 февралдаги қарорига мувофиқ, "Ўзбекозиқовқатхолдинг" холдинг компанияси ташкил этилгани соҳа ривожида туб бурилиш ясади. Бинобарин, мазкур компания зиммасига корпоратив бошқарувнинг жаҳон амалиётида қабул қилинган тамойиллари ва усулларидан кенг фойдаланиш, тармоқ корхоналарини модернизациялаш, техник ҳамда технологик қайта жиҳозлаш учун инвестицияларни кенгроқ жалб қилиш, мева-сабзавот ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ҳажмларини ошириш, ички ҳамда ташқи бозорларда рақобатдош бўлган сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари турларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш каби вазифалар юклатилди.

Бундан ташқари, биргина 2016 йилнинг ўтган даврида давлатимиз раҳбарининг 5 та қарори, шунингдек, бошқа бир қатор расмий ҳужжатлар қабул қилиндики, уларга асосан, дала ва боғ неъматлари етиштиришдан тортиб, уни сифатли сақлаш, қайта ишлаш ҳамда экспортга чиқариш бўйича ўзига хос тизим яратилди. 2016 йил ҳосилидан бошлаб мева-сабзавот, картошка, полиз маҳсулотлари ва узум харид этиш бўйича давлат буюртмаси жорий қилингани бу борадаги ишларнинг бошланиши бўлди.

Ҳозирги кунда "Ўзбекозиқовқатхолдинг" холдинг компанияси таркибида 188 та саноат корхонаси фаолият кўрсатаётган бўлиб, улар томонидан жорий йилнинг биринчи ярмида таққослама нархларда 2 трлн. 177,4 млрд. сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. Ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 9,1 фоиз ўсишга эришилди. Шу билан бирга, 3,1 млрд. сўмлик янги турдаги маҳсулотлар тайёрланди. 28,3 млн. доллар миқдорида инвестиция ўзлаштирилиб, улар, асосан, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ҳамда технологик жиҳатдан янгилаш тадбирларига йўналтирилгани муваффақиятларнинг бош омили бўлди. Мазкур жараёнда сўнгги йилларда ишга туширилган "Ангрен шакар", "Меҳнат малт", "Фамили груп", "International Beverages Tashkent", "Gold dried fruits", "Sunny fruit production", "Master Global Plus" каби корхоналарнинг ўрни беқиёсдир.

Келинг, шу ўринда мамлакатимиз мустақиллигининг 25 йиллиги шодиёналари арафасида тизимда амалга оширилаётган инвестициявий лойиҳалар мисолида фикримизни давом эттирсак. Бугунги кунда тегишли вазирлик ва идоралар ҳамда маҳаллий ҳокимликлар билан ҳамкорликда 1085 та инвестициявий лойиҳа ҳаётга татбиқ этилаётган бўлиб, улар доирасида 2016 йилда 201,5 млн. доллар ўзлаштирилиши белгиланган. Жумладан, Инвестиция дастурига кўра, 43 та лойиҳа бўйича 53 млн. доллар, ҳудудий манзилли инвестиция дастурларига асосан, 1042 та лойиҳа бўйича 148,5 млн. доллар жалб қилинади.

Ҳудудий инвестиция дастурига мувофиқ, жорий йилнинг ўтган даврида озиқ-овқат маҳсулотлари тайёрлашга мўлжалланган 800 га яқин янги ишлаб чиқариш қуввати фойдаланишга топширилгани энг улуғ, энг азиз байрамга муносиб туҳфа бўлди, десак, янглишмаган бўламиз.

Таъкидлаш лозимки, янги ишлаб чиқариш объектларини бунёд этиш, мавжудларини модернизациялаш тадбирларининг кўлами йил сайин кенгайиб бормоқда. Хусусан, соҳани ривожлантириш дастурига кўра, 2020 йилгача умумий қиймати 596 млн. долларлик 180 та йирик лойиҳа фойдаланишга топширилиши белгиланган бўлиб, бунда асосий эътибор мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлашга мўлжалланган лойиҳаларга қаратилган. Уларнинг аксарияти қишлоқ жойларда амалга оширилиши кўзда тутилгани диққатга сазовордир.

Келгуси беш йилда саноатни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари қаторидан нафақат тайёрланаётган маҳсулотларнинг сифатини яхшилаш ҳамда ҳажмини кўпайтириш, балки унинг ташқи кўринишини ҳам жаҳон андозаларига тўлиқ жавоб берадиган даражага етказиш вазифалари ўрин олган. Шу мақсадда турли қадоқлаш материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган корхоналар ташкил қилиниши кўзда тутилган.

Юртимизда озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиб, аҳолига арзон ва сифатли кундалик истеъмол товарлари узлуксиз етказиб берилаётгани мамлакатимиз фуқароларининг ҳаёт даражасини юксалтириш, турмушини фаровонлаштириш ниятида ҳар томонлама пухта ўйланган ҳамда узоқни кўзлаб амалга оширилаётган сиёсатнинг қиёси йўқ натижасидир.

**Азмиддин ҚАМБАРОВ,**
**«Ўзбекозиқовқатхолдинг» холдинг компанияси раиси ўринбосари.**

**ЭЪТИРОФ**

**Пино КАЛКАГНИ,**
**Халқаро ёнғоқ ва қуруқ мева бўйича кенгаш раҳбари ўринбосари:**

— Соҳада узоқ йиллардан буён фаолият кўрсатаётган мутахассис сифатида юртингизда олиб борилаётган ислоҳотларни юксак баҳолайман. Чунки мамлакатингизда мева-сабзавотчиликни ривожлантириш мақсадида кўплаб меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниб, деҳқон ҳамда фермерларга имтиёзлар тақдим этилаяпти. Натижада маҳсулот етиштириш, уни бирламчи ва чуқур қайта ишлаш суръати ошмоқда. Уларнинг мазасига эса таъриф йўқ. Шахсан менга узум жуда ёқди. Уни сархил ҳолда истеъмол қилиш ҳам, қуритилганини тановул этиш ҳам кишига ҳузур бағишлайди. Бу каби жиҳатлар Ўзбекистонда мева-сабзавот маҳсулотлари экспорти ҳажмини йил сайин кенгайтиришда муҳим омилдир.

**ЭЪТИРОФ**

**Алекс ЮНЬ,**
**"SNP System" гуруҳи раҳбари (Жанубий Корея):**

— Ўзбекистон озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлашда катта ютуқларга эришмоқда. Аҳоли жон бошига қарийб 300 килограмм сабзавот, 75 килограмм картошка ҳамда 44 килограмм узум тўғри келаётгани, мазкур кўрсаткич глобал миқёсда оптимал, яъни мақбул, деб ҳисобланадиган меъёрдан уч баробар кўплиги бунинг тасдиғидир. Ўз навбатида, ушбу диёрда етиштирилган боғ ҳамда сабзавот маҳсулотлари нафақат таъми, кўриниши, балки табиийлиги билан ажралиб туради ва хоҳ осиёлик, хоҳ европалик, хоҳ америкалик бўлсин, ҳар қандай нозиктаъб мижозга манзур келади. Бунда, албатта, вегетация даврида минерал ўғитлар, пестицидлар ҳамда шу каби бошқа воситалар ўрнига органик ўғитлардан фойдаланиб келинаётгани муҳим омил бўлганини биламиз.

Шомурот ШАРАПОВ ва Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

## Урганч шаҳри:

# БУНЁДКОРЛИК МАНЗАРАЛАРИ

Истиқлол халқимизни янгиланиш, бунёдкорлик завқи билан яшашга ўргатди. Тафаккуримиз, дунёқарашимиз тубдан ўзгарди. Муҳими, машаққатли кунлар ортда қолди. Бундан чиқарилган сабоқлар, хулосалар ҳар биримизни мустақилликни кўз қорачиғидек асраб-авайлашга ундайди.

**ФАХР**

Кейинги йилларда Хоразм вилояти шаҳару қишлоқлари ҳавас қилгулик даражада кўркам қиёфа касб этиб, чиройига чирой қўшилди, десак, муболаға эмас. Айниқса, воҳа марказида олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари кишини ҳайратга солади. Президентимиз томонидан 2012 йил 6 декабрда имзоланган “Хоразм вилоятининг ободончилик ва аҳоли сув таъминотини тубдан яхшилаш, Урганч шаҳар бош режасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида рўёбга чиқарилаётган бунёдкорлик лойиҳалари яққол бўй кўрсатмоқда.

— Урганчнинг бундан 25 — 30 йил олдинги манзарасини яхши эслайман, — дейди “Бунёдкор” масъулияти чекланган жамияти бош муҳандиси, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қурувчи Тўра Полвонов. — Тартибсиз қурилган кўримсиз бинолар, пастқам иморатлар, тор кўчалар... Айниқса, ёз ойларида бу ерда салқинлашга тузукроқ жой топилмасди. Воҳамиз иқлим шароитига мос манзарали дарахтлар экиш, фавворалар барпо этишга эътибор берилмаган. Вилоят бағрида шунча осориатиқалар жойлашганига қарамай, сайёҳлар мазмунли ҳордиқ чиқарадиган битта арзирли меҳмонхона бўлмаганига нима дейсиз?! Бошқа қулайлигу имкониятлар, инфратузилма иншоотлари ҳақида гапиришнинг ўзи ортиқча. Мана, бугун шаҳримиз гўзаллигига боқинг! Кўриб, кўзингиз қувонади, дилингиз яйрайди. Ҳар маҳалла, ҳар мавзеда ўзгариш. 2013 — 2017 йилларга мўлжалланган дастурга мувофиқ, ўтган давр мобайнида Хоразмда 1 триллион 300 миллиард сўмлик қурилиш юмушлари бажарилибди. Бу рақамлар, авваламбор, шаҳардаги янгиланишлар салмоғидан далолат беради, албатта.

### Ободлик шукуҳи

Урганч шаҳрининг марказий майдони — энг гавжум, энг тароватли манзиллардан бири. Бу ерда улуғ бобокалонимиз Муҳаммад ибн Мусо Хоразмий ҳайкали савлат тўкиб турибди. Улкан соат минораси эса ҳудуднинг турли нуқталаридан кўзга ташланади. Маънавият тарғибот маркази, “Ўзсаноатқурилишбанк”нинг Хоразм минтақавий филиали, вилоят ҳокимлиги биноси, Огаҳий номидаги вилоят театри ҳамда бошқа иморатлар хиёбон атрофида яхлит ансамблни ташкил этган.

— Дам олиш кунлари невараларим билан шу ерга келаман, — дейди майдонда сайр қилиб юрган нуроний отахон, уруш ва меҳнат фахрийси Оллаберган Бобожонов. — Бу маскан ҳамиша зиёратчилар билан гавжум. Улар орасида қадрдонларимни учратсам, албатта, суҳбатлашиб, бугунги дориламон кунларимизга шукроналар айтамиз. Ёнимизда бахтиёр униб-ўсаётган фарзандларимиз, невараларимиз иқболини кўриб, беихтиёр қалбимиз қувончга тўлади.



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

Урганч халқаро аэропорти — шаҳарнинг рамзий дарвозаси. Бу ерга ҳар куни дунёнинг турли нуқталаридан ҳаво лайнерлари келиб қўнади. Ўз навбатида, худди шу манзилдан республикамиз марказий шаҳарлари ҳамда турли мамлакатларга парвозлар амалга оширилмоқда. Кейинги йилларда аэропортда 60,3 миллиард сўмлик бунёдкорлик ишлари олиб борилди. Унинг майдонини ободонлаштиришга 4,4 миллиард сўм маблағ йўналтирилди. Шу орқали Хоразм сайёҳлик салоҳиятини юксалтириш учун янада мустаҳкам пойдевор яратилди.

Бундай ободлик ва замонавий қулайликларни шаҳарнинг муҳташам темир йўл вокзалида ҳам учратасиз. Айни пайтда бу ерда кунига 2 минг нафардан ортиқ йўловчига жаҳон стандартлари даражасида хизмат кўрсатилаяпти.

Қисқаси, шаҳарнинг ҳар икки дарвозасидан қадимий ҳамда навқирон воҳага қадам қўйган киши борки, аввало, Хоразмий кўчаси бўйлаб ўтар экан, кундузи қуёш нурида, оқшомда тунги чироқлар ёғдусида жилоланувчи гўзалликка ошно бўлади. Қарийб 4 километрлик ушбу кўчанинг икки ёқасида бири-биридан кўркам бино ва иморатлар — миллий ҳамда замонавий меъморчилик анъаналари асосида қурилган тўрт-беш қаватли тураржойлар, меҳмонхоналар, хизмат кўрсатиш мажмуалари, ижтимоий соҳа объектлари қад ростлаган.

Тошкент ахборот технологиялари университети Урганч филиали ҳамда Урганч олимпия захиралари спорт коллежи бинолари ана шулар жумласидандир. Мазкур таълим даргоҳларида умумий қиймати 25 миллиард сўмликдан ортиқ қурилиш-реконструкция ишлари бажарилди. Натижада филиалнинг янги биноси ва 160 ўринли тураржой барпо этилди. Коллежнинг ўқув блоклари таъмирланиб, ошхона ҳамда иккита спорт зали қурилди.

Ушбу филиалга ташриф буюрсангиз, бу ердан ўзгача таассурот олишингиз, шубҳасиз. Чунки мазкур даргоҳдаги ўқитиш жараёни энг тараққий топган мамлакатлар олий таълим муассасаларидаги шарт-шароитларни эслатади. Ўқув ва машғулот хоналари, лабораториялар илғор технологиялар билан жиҳозланган. Талабаларнинг фаоллик даражасини электрон қурилмалар назорат ҳамда мониторинг қилиб боради. Интерактив воситалар — янгиликка интилувчан ва изланувчан йигит-қизлар ихтиёрида.

— Ёш дастурчилар клуби аъзосиман, — дейди талаба Усмон Зарипов. — Ҳозирданоқ корхона ҳамда ташкилотлар буюртмаларини уларнинг талаб ва таклифлари асосида бажариб бераяпмиз. Энг муҳими, ўзим севган, ўзим танлаган касбни мукаммал эгаллашим учун университетимизда барча имконият яратилган. Келгусида жонажон Ўзбекистонимиз шону шуҳратини дунёга кенг ёйишга ҳисса қўшиш учун бор билим ва салоҳиятимни ишга соламан.

Мардона Аитова — Урганч олимпия захиралари спорт коллежининг тажрибали мураббийларидан бири. У стол тенниси бўйича ёшларга сабоқ беради. Шогирдлари орасида бир қатор нуфузли мусобақаларнинг ғолиб ва совриндорлари бор.

— Ёшларимизнинг Ватанга бўлган муҳаббатидан ғурурланиб кетаман, — дейди М. Аитова. — Ғолибликка бўлган кучли иштиёқ манбаи ҳам шу. Айни сабабдан шогирдларим қиёфаси, улар эришаётган натижалар мисолида Ўзбекистонимиз келажаги ишончли қўлларда эканлигига, заминимиздан ҳали яна кўплаб чемпионлар етишиб чиқишига ишончим ортади.

### Файзли маскан таровати

Халқимиз азалдан обиҳаёт манбаларини кўз қорачиғидек асраб-авайлаб келади. Шунга қарамай, ҳавзалар қирғоқларини мустаҳкамлаш, теварак-атрофини ободонлаштириш катта машаққат талаб этадиган юмуш ҳисобланган. Урганчнинг Шовот канали ҳақида ҳам худди шундай фикрни айтиш мумкин.

Тарихий манбаларда ёзилишича, иншоот 1681 йилда барпо қилинган. Ўша давр солномачилари мазкур санани “Пурфайз” сўзи замирига яширишган. Яъни ана шу калом ҳарфлари абжад ҳисоби бўйича ўқилганида, канал қазилган сана муддати аён бўлади. Аммо Шовот ҳамда унинг ён-атрофлари мустақиллик шарофати билан файзли гўшага айланди. Бунинг учун қарийб бир йил давомида катта ҳажмдаги бунёдкорлик ишлари бажарилди. Сув йўли қирғоқлари бетонлаштирилиб, мустаҳкамланди. Теварак-атрофида боғ-роғлар, оромгоҳлар, хизмат кўрсатиш шохобчалари қурилди. Натижада Шовотнинг икки ёқаси бўйлаб деярли 15 километр масофада сайр қилиш учун мўлжалланган йўллар барпо этилди. Унинг ўзанида доимий акватория ҳосил қилиш мақсадида гидроиншоот қурилиб, 7,3 километр узунликдаги ёпиқ-ётиқ дренаж тизими яратилди.

— Ҳар куни тонгда, оқшомда ана шу канал бўйини сайр қилиб, дарддан фориғ бўлган беморларни биламан, — дейди шифокор Комилжон Машарипов. — Чунки бу ердаги бетакрор гўзалликдан баҳра олиб, кайфиятингиз кўтарилади, завқингиз ошади, чарчоқларингиз унутилади. Руҳан тетик бўласиз. Ахир буларнинг барчаси саломатлик учун кони фойда!

Қисқа муддатда навқирон авлод вакилларининг севимли масканига айланган боғ-мажмуалар, ёдгорликлар, оромгоҳлар таровати ҳам ўзини кенг намоён қилмоқда.

— Мамлакатимизда юз бераётган бунёдкорлик ва янгиланишлар йигит-қизлар қалбига Ватанга муҳаббат туйғуларини жо этмоқда, уларга илҳом бағишлаяпти, — дейди “Камолот” ЁИҲ Урганч шаҳар кенгаши раиси Иброҳим Ўринов. — Улар турли фестиваллар, сайиллар, кўргазмаларда доим фаол қатнашадилар, спорт мусобақалари ҳамда билимлар беллашувларида ғолибликни қўлга киритиб келишмоқда. Айниқса, ёш ижодкорларнинг кўрик-танловлари чинакам санъат байрамига айланиб кетади.

Янги бунёд қилинган “Ёшлик” шаҳарчаси бугун каттаю кичикнинг фахрига айланган, десак, асло муболаға эмас. Ундаги спорт мажмуаси таркибидан ёпиқ сув ҳавзаси ва спорт манежи, гимнастика зали, 2 та спорт зали ҳамда очиқ футбол майдони ўрин олган. 60 миллиард сўмдан зиёд маблағ эвазига қурилган, 9,17 гектар майдонни эгаллаган мазкур масканни ўзига хос “Олимпия шаҳарчаси”га қиёслаш мумкин. Мутахассисларнинг таъкидлашича, бу ерда спортнинг 22 та тури бўйича йирик халқаро мусобақаларни ўтказиш учун барча имконият мавжуд. Шаҳардаги яна бир муҳташам иншоот — 12 минг 500 томошабинга мўлжаллаб реконструкциядан чиқарилган марказий стадион спортчилар учун яратилаётган шарт-шароитларни янада кенгайтирди.

Албатта, мустақил тараққиёт йиллари — тарих олдида кўз очиб юмгунчалик фурсат. Бироқ ана шу қисқа вақт давомида халқимиз ҳаётида юз берган улкан ўзгаришлар, асрларга татигулик ютуқлар ҳар қанча фахрланишга арзийди. Муҳими, кўнгиллардан бошланган ободлик шаҳару қишлоқларимиз қиёфасида ўз аксини топмоқда. Бунга тобора гуллаб-яшнаб бораётган Урганч шаҳри мисолида яна бир карра амин бўлиш мумкин.

**Сотим АВАЗ,**
**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.**



# Соғлом турмуш тарғиботи

Пойтахтимиздаги муҳташам “Бунёдкор” стадионида “Ўзбекнефтгаз” Миллий холдинг компанияси корхона ҳамда ташкилотлари ходимларидан тузилган ҳаваскор футбол жамоалари ўртасида “Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!” шиори остида Мустақиллик кубоги мусобақаси бўлиб ўтди.

**ФУТБОЛ**

Таъкидлаш керакки, “Ўзбекнефтгаз” МХК томонидан бундай тадбирларни ўтказиш яхши анъанага айланган. Мақсад соҳа ходимларини спорт билан мунтазам шуғулланишга жалб қилиш ҳамда шу орқали улар ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этишдан иборатдир.

Истиқлолимизнинг 25 йиллиги муносабати билан уюштирилган турнирда 16 жамоа кураш олиб борди. Баҳслар қизиқарли ва муросасиз кечди. Финалга “Ўзнефтмаҳсулот” ҳамда “Шўртангазкимё” жамоалари етиб келди. Гарчи, иштирокчилар ҳаваскор бўлса-да, майдонда профессионал футболчилардек ҳаракат қилиб, томошабинларга завқу шавқ улашишди. Лекин асосий вақтда ҳисоб очилмади. Ғолибни аниқлаш учун пенальтилар серияси ўтказилди. Футбол “лотереяси”да омад “Ўзнефтмаҳсулот” АК жамоасига кулиб боқди ва улар кубокни қўлга киритишди. Учинчи ўрин “Ўзгеобурғунефтгаз” жамоасига насиб этди.

— Бундай мусобақаларда қатнашиб, чемпион бўлиш кишига ёқимли ҳис-туйғуларни бағишлайди, — дейди финалда муваффақият қозонган жамоа сардори Баҳодир Ерханов. — Қолаверса, энг улуғ, энг азиз байрамимиз арафасида республикамизнинг турли ҳудудларидан ташриф буюрган ҳамкасбларимиз билан дилдан суҳбатлашдик, ўзаро фикр алмашдик. Ҳаммамизнинг кайфиятимиз аъло.

Совриндорлар эсдалик совғалари билан тақдирланди. Шунингдек, “Ғалабага бўлган интилиши юксак жамоа”, “Энг маҳоратли ҳужумчи”, “Энг ёш иштирокчи”, “Энг яхши дарвозабон” каби қатор номинациялар бўйича ҳам иштирокчилар рағбатлантирилди.

**Суннатилла ИСЛОМОВ.**

Шомурот ШАРАПОВ олган сурат.

ЭЪЛОНЛАР

**«KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**
**Навоий вилояти филиали**

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

Аукцион савдосига Навоий шаҳар СИБ томонидан Навоий вилояти хўжалик судининг 2016 йил 20 апрелдаги 21-1503/5757-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Nodira food» МЧЖга тегишли, Навоий шаҳри, 7-мавзе, Халқлар дўстлиги шоҳкўчасида жойлашган, ер майдони 859,06 кв. м., фойдаланиш майдони 246,63 кв. м. бўлган 12 хонадан иборат «Амир» қаҳвахонаси биноси қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 802 882 941 сўм.***

Аукцион савдоси 2016 йил 23 сентябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2016 йил 21 сентябрь куни соат 18.00.

Аукцион савдосига қўйилган кўчмас мулк билан тегишли шаҳар СИБ вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko‘chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Навоий вилояти филиалининг АТИБ «Ипотека-банк» Навоий филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000504920609007, МФО: 00205, СТИР: 207122519.

**Манзил:**
**Навоий шахри, Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Навоий вилояти худудий бошқармаси маъмурий биноси, 1-қават.**
**Телефон: (0-436) 224-44-01.**
**www.1kms.uz**

Хизматлар лицензияланган.

1262R/180

**«KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**
**Сирдарё вилояти филиали**

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

**1.** Аукцион савдосига Ховос тумани СИБ томонидан Сирдарё вилояти хўжалик судининг 2014 йил 6 октябрдаги 12-1403/10467-суд буйруғига асосан хатланган, Ховос тумани, «Пахтакор» ҚФЙ, «Ўзбекистон мустақиллиги 5 йиллиги» СИУ ҳудудида жойлашган, «Нодира» фермер хўжалигига тегишли, 1 қаватли молхона ва бошқа иншоотлар бошланғич баҳоси арзонлаштирилган ҳолда такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 285 699 270 сўм.***

**2.** Аукцион савдосига Ховос тумани СИБ томонидан Сирдарё вилояти хўжалик судининг 2015 йил 16 ноябрдаги 12-1501/20733-суд буйруғига асосан хатланган, Янгиер шаҳри, Абдураҳмон Жомий номидаги маҳаллада жойлашган, «Ховосдонмаҳсулотлари» АЖга тегишли, умумий майдони 600,0 кв. м.дан иборат, қурилиши тугалланмаган бинолар бошланғич баҳоси арзонлаштирилган ҳолда такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 477 980 402 сўм.***

Аукцион савдоси 2016 йил 5 сентябрь куни соат 11.00 да Гулистон шаҳри, «Бизнес маркази» биноси мажлислар залида бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2016 йил 2 сентябрь куни соат 18.00.

Мазкур кўчмас мулклар билан тегишли туман СИБ вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko‘chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Сирдарё вилояти филиалининг АТ «Асака» банки Сирдарё филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609006, МФО: 00373, СТИР: 207122519.

**Манзил: Гулистон шаҳри,**
**Ўзбекистон шоҳкўчаси, 3-уй, 3-қават, 58-хона.**
**Телефон: (0-367) 226-38-91. www.1kms.uz**

Хизматлар лицензияланган.

1264R/180

**«REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖ**

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

2016 йил 6 сентябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ тумани СИБ томонидан ЖИБ Юнусобод тумани судининг 2011 йил 8 июлдаги 489-сонли ижро варақасига асосан хатланган қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда:

**1.** Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ тумани, «Ёнғичқоли» ҚФЙ ҳудудида жойлашган нотураржой ҳамда иншоот.

***Бошланғич баҳоси — 495 430 212 сўм.***

**2.** Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ тумани, «Дўстлик» ҚФЙ ҳудудида жойлашган нотураржой ва иншоот.

***Бошланғич баҳоси — 330 635 508 сўм.***

**3.** Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ тумани, «Ёнғичқоли» ҚФЙ ҳудудида жойлашган нотураржой ҳамда иншоот.

***Бошланғич баҳоси — 633 979 909 сўм.***

Аукцион савдоси Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уйда бўлиб ўтади.

Мазкур кўчмас мулклар билан тегишли туман СИБ вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Талабгорлардан аризалар ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ҳамда савдо бошланишига бир иш куни қолганда соат 16.00 да тўхтатилади. Талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда «Realtor garant business» МЧЖнинг ХАТБ «Universalbank» Тошкент шаҳар филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000504936050001, МФО: 00996, СТИР: 207125885.

Аукцион ғолиби сотиб олган мулк қийматини 5 банк куни мобайнида тўлиқ тўлаши шарт.

**Манзил: Тошкент шаҳри,**
**Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй.**
**Телефон: (0-371) 233-09-38.**
**Ички телефон: 258.**

Хизматлар лицензияланган.

**«REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖ**

«Халқ сўзи» газетасининг 2016 йил 5 августдаги 151 (6586)-сонида чоп этилган эълондаги «Тошкент вилояти, Қибрай тумани СИБ томонидан 15117-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, «Зафаробод» (собиқ «Май») ҚФЙ ҳудудида атрофи девор билан ўралган ерда жойлашган, «Yutm parranda» МЧЖнинг 159 та бино-иншооти бошланғич баҳоси — 85 550 261 227 сўм» юзасидан «2016 йил 22 август куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдоси» жумласи бундан кейин «2016 йил 6 сентябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдоси» деб ўқилсин. Эълоннинг қолган бандлари ўзгаришсиз қолади.

1257R/366

**«Kim oshdi savdo servis» МЧЖ**
**Тошкент шаҳар филиали**

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.**

2016 йил 20 сентябрь куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор шоҳкўчаси, 42-уйда ўтказиладиган аукцион савдосига ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2015 йил 16 июлдаги 19516/5-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани СИБ томонидан хатланган, 2011 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/ 627 QBA, сариқ рангли, «SHACMAN SHANXI» русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 244 765 000 сўм.***

Автотранспорт воситаси Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси, 160-уйда сақланмоқда.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш 2016 йил 19 сентябрь куни соат 18.00 да тўхтатилади.

**Талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни топширади:**

— юридик шахслар — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакил қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ишончнома;

— жисмоний шахслар — паспорт нусхаси, тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакил шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ишончнома.

Аукцион савдосига қўйилган автотранспорт воситаси билан тегишли туман СИБ вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Kim oshdi savdo servis» МЧЖ Тошкент шаҳар филиалининг АТИБ «Ипотека-банк»нинг «Тинчлик» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000004959643001, МФО: 00580, СТИР: 302221689.

Гувоҳнома № 4621.

**Телефонлар: (0-371) 276-42-62, (+99890) 725-88-80. www.koss.uz**

1254A/575

## Qishloq Qurilish Bank

*Мамлакатимиз молия-банк тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида тижорат банкларининг ресурс базаси йил сайин мустаҳкамланиб, улар томонидан тақдим этилаётган хизматлар сифати тубдан яхшиланмоқда. Бинобарин, молиявий инфратузилма институтларини ривожлантириш, янги банк хизматларини амалиётга татбиқ қилиш, мавжудларини эса янада такомиллаштириш тизимдаги ислоҳотларнинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.*

*Молиявий хизматлар бозори тобора тараққий этишида, айтиш мумкинки, “Қишлоқ қурилиш банк” акциядорлик тижорат банкининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Бугунги кунда мазкур молия муассасаси таркибида 42 та филиал, 48 та минибанк ва 186 та шохобча мавжуд бўлиб, улар орқали республикамизнинг барча ҳудудидаги 690 мингдан ортиқ мижозларга кенг кўламли хизмат кўрсатиб келинмоқда. Пировардида 2016 йил 31 июль ҳолатига кўра, банкнинг активлари 5122,9 млрд. сўмни, жами капитали эса 464,3 млрд. сўмни ташкил қилди.*




# ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАРГА АСОСЛАНГАН ХИЗМАТЛАР

## иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш, аҳоли турмуш даражасини юксалтиришда муҳим омил бўлмоқда

### Тадбиркорларга молиявий мадад

Мустақиллик йилларида республикамизда қулай ишбилармонлик муҳити яратилгани туфайли кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик жадал суръатларда ривожланмоқда. Натижада ушбу соҳа ички бозорни юқори сифатли маҳсулот ва хизматлар билан тўлдириш, аҳоли бандлигини таъминлашда муҳим роль ўйнаяпти. Тадбиркорларга имтиёзли банк хизматлари кўрсатилаётгани, айниқса, тизимдаги муваффақиятларни янада мустаҳкамлаб, уларни янги-янги марраларни забт этишга руҳлантирмоқда.

“Қишлоқ қурилиш банк” юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг фаол иштирокчиси сифатида кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик субъектларини ривожлантириш, соҳа вакилларини молиявий қўллаб-қувватлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратмоқда. Хусусан, 2016 йилнинг ўтган етти ойи давомида мазкур соҳа субъектларига молиявий жиҳатдан кўмаклашиш мақсадида банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан 517,6 млрд. сўмлик кредитлар ажратилди. Жумладан, юртдошларимизнинг ишбилармонлик қобилиятини юзага чиқариш, мустақил бизнес фаолиятини йўлга қўйишга яқиндан ёрдам бериш ниятида 152,0 млрд. сўмлик микрокредитлар йўналтирилди.

Бундан ташқари, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини кичик бизнесга кенгроқ жалб қилиш, уларнинг лойиҳаларини имтиёзли шартларда молиялаштиришга 13,1 млрд. сўм, тадбиркор хотин-қизлар фаолиятини қўллаб-қувватлашга 76,4 млрд. сўм, озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат саноатини ривожлантиришга 212,4 млрд. сўм, сервис соҳаси истиқболига 47,1 млрд. сўм миқдорида кредитлар ажратилди. Шунингдек, ёш оилаларга маиший шароитини яхшилаш учун 3,1 млрд. сўмлик истеъмол, 40,2 млрд. сўмлик ипотека кредитлари ҳамда оилавий тадбиркорлар ва касаначиликни равнақ топтиришга 26,3 млрд. сўмлик микрокредитлар берилди.

**МИЖОЗ ЭЪТИРОФИ**

**Собир НОРБОЕВ,
Сариосиё туманидаги
“Амина Зиё нур” хусусий
корхонаси раҳбари:**

*— Кўпдан буён юртимизда етиштирилган мева-сабзавотларни сифатли сақлаш ҳамда уларни аҳолига йил давомида сархил ҳолда етказиб бериш учун замонавий омборхона қуришни мақсад қилиб юрган эдим. Ушбу орзуим 2011 йилда рўёбга чиқди. Бунда “Қишлоқ қурилиш банк”нинг Сариосиё филиали томонидан ажратилган 95,1 минг АҚШ долларилик кредит қўл келди.*

*Мазкур маблағ эвазига хориждан энг замонавий совитиш ускуналарини олиб келиб, музлаткичли омборни ишга туширдик. Натижада 4 та доимий, 6 та мавсумий иш ўрни яратилди. Омборимиз 200 тонна қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлашга мўлжалланган. Шу боис вилоятимиздаги кўплаб фермерлар билан ҳамкорлик қилаяпмиз.*

*Бунинг учун молиявий мадакоримиз бўлган “Қишлоқ қурилиш банк”дан миннатдормиз. Шу ўринда айтиш жоизки, ушбу молия муассасасида кредит олиш тартиб-қоидалари соддалаштирилган. Яна бир муҳим жиҳати, йиллик фоиз ставкалари тадбиркор учун мақбул даражада ишлаб чиқилган. Бундан ташқари, “Тадбиркорлар хонаси” ташкил этилганлиги ишбилармонларга катта қулайликлар яратмоқда.*

### Инвестициявий фаоллик самаралари

Маълумки, ҳар қандай давлат иқтисодий салоҳиятининг юксалиши кўп жиҳатдан инвестиция сиёсатининг нақадар оқилона юритилишига боғлиқ. Чунки саноат тармоқларининг жадал ривожини стратегик аҳамиятга молик лойиҳаларнинг ижроси белгилаб беради. Мамлакатимизда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва иқтисодиётни диверсификация қилишга қаратилган фаол инвестиция сиёсати олиб борилаётгани туфайли ижтимоий-иқтисодий соҳаларда қувончли натижалар қўлга киритилмоқда.

Чиндан ҳам, юртимизда инвестицияларнинг асосий қисми ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ҳамда технологик жиҳатдан янгилаш, ижтимоий-иқтисодий инфратузилмани янада ривожлантириш, хусусан, қишлоқ жойларда замонавий уй-жойларни барпо этишга йўналтирилаяпти. Биргина “Қишлоқ қурилиш банк” томонидан 2016 йилнинг ўтган етти ойи давомида 173,8 млрд. сўмликдан ортиқ инвестициявий кредитлар ажратилгани эътиборга лойиқ. Жумладан, 37,0 млрд. сўм саноатга, 11,4 млрд. сўм қишлоқ хўжалигига, 17,7 млрд. сўм транспорт ва коммуникация соҳасига, 29,5 млрд. сўм қурилишга, 41,6 млрд. сўм моддий-техника таъминоти ва маиший хизмат кўрсатишга, 36,6 млрд. сўм иқтисодиётнинг бошқа жабҳаларига йўналтирилди.

Шу билан бирга, 2013 — 2016 йилларда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга доир дастурга асосан, банк мижозларининг 3272 та иш ўрни яратилишини назарда тутувчи 487 та лойиҳасига 38,6 млрд. сўмлик кредитлар берилди.

**МИЖОЗ ЭЪТИРОФИ**

**Дилшод ТАМИҚАЕВ,
Пайариқ туманидаги
“Shukrona Barakasi” фермер
хўжалиги бош ҳисобчиси:**

*— Юртимизда аграр соҳани тубдан ислоҳ қилиш жараёнида унинг боғдорчилик тармоғини янада ривожлантириш, мева-сабзавот ҳамда полиз маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш, аҳолининг ушбу маҳсулотларга бўлган эҳтиёжини барқарор таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунинг самарасида замонавий технологиялар асосида интенсив боғлар барпо этилиб, маҳсулот етиштириш, уни қайта ишлаш ва экспорт қилиш суръатлари ортиб бораяпти. Бундай ижобий натижалар қўлга киритилишида бизнинг фермер хўжалигимизнинг ҳам, оз бўлса-да, ҳиссаси борлигидан фахрланиб юрамиз.*

*10 гектар ерда интенсив боғ яратишда “Қишлоқ қурилиш банк”нинг Самарқанд минтақавий филиали томонидан халқаро кредит линияси доирасида берилган 394,2 минг АҚШ доллари миқдоридаги сармоя қўл келди. Унинг ҳисобига хориждан олма, нок, олхўри, гилос, олча ҳамда шафтолининг пакана ва яримпакана навли кўчатлари олиб келиб ўтказилди.*

*Ҳозирги пайтда боғимиз ҳосилга кирган. Ундан анъанавий боғлардагидан бир неча баробар кўп мева териб олаяпмиз. 16 кишилик аҳил жамоамиз илғор технология ва тажрибалар асосида агротехника тадбирларини ўз вақтида, сифатли олиб бораётгани бунда муҳим омил бўлмоқда.*

*Бугунги кунда бозорда ўз ўрнимизга эгамиз. Бунинг учун ҳамкоримиз — “Қишлоқ қурилиш банк”дан миннатдормиз.*




**ФАКТ ВА РАҚАМЛАР**

- Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан республика тижорат банклари ўртасида 2015 йил якунларига кўра, аҳоли бўш пул маблағларини банклардаги омонатларга жалб қилиш бўйича ўтказилган кўрик-танловда “Қишлоқ қурилиш банк” фаолияти муносиб баҳоланиб, унинг Фарғона минтақавий филиалига қарашли Фарғона минибанки, Когон филиали ҳамда Беруний филиалига қарашли Тўрткўл минибанки бир қатор номинацияларда ғолиб, деб топилди.
- **“Қишлоқ қурилиш банк”да “P2P” — масофадан туриб интернет сайтлар, махсус иловалар ёрдамида он-лайн режимида бир пластик карточкадан бошқасига маблағ ўтказиш имконияти яратилган.**
- Молия муассасаси томонидан жисмоний шахсларга ажратилган кредитлар ҳамда уларга ҳисобланган фоиз тўловларини 24/7 режимида пластик карточкалардан инфокиосклар орқали амалга ошириш мумкин.
- **Банк томонидан фуқаролар омонатлари ҳимоясини янада кучайтириш мақсадида “Биометрик идентификациялаш” тизими, яъни шахснинг бармоқ излари намунасидан фойдаланиш жорий қилинди.**
- Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ташкил этилган банк технологиялари, ускуналари ва хизматлари “BankExpo — 2016” IX Миллий кўргазмаси натижаларига кўра, “Қишлоқ қурилиш банк” “Кичик бизнес субъектларининг инновацион лойиҳаларини қўллаб-қувватловчи энг яхши банк” номинацияси ғолиби бўлди.
- **“Moody’s Investors Service” халқаро рейтинг агентлиги жорий йилнинг май ойида “Қишлоқ қурилиш банк” рейтингини тасдиқлади: контрагент рискини баҳолаш рейтинги — B1/NP, хорижий ҳамда миллий валютадаги депозитларнинг узоқ муддатли рейтинги — B2/NP, банкнинг барча рейтинги прогнози — “Барқарор”.**

### Қишлоқларнинг кўркам қиёфаси

Бугун юртимизнинг қайси бир туманида бўлманг, улкан бунёдкорлик ишларининг устидан чиқасиз. Айниқса, намунавий лойиҳалар асосида барпо этилаётган якка тартибдаги уй-жой массивлари ўзининг замонавий муҳандислик, транспорт ҳамда ижтимоий инфратузилма ечимлари билан кишида ғурур ва ифтихор ҳиссини уйғотади.

Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 3 августдаги “Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига биноан бошланган бундай кенг кўламли бунёдкорлик юмушлари йил сайин жадал тус олмоқда. Ҳар йили минг-минглаб кўркам тураржойлар қурилиб, қишлоқ аҳлига фойдаланишга топширилаётгани бунга тўла асос бўла олади.

Президентимизнинг 2016 йил 29 январдаги қарорига мувофиқ, жорий йилда республикамизнинг 151 туманидаги 300 та массивда умумий майдони 1823,7 минг кв. метр бўлган 13000 та уй-жой қурилаётган бўлса, шундан 8512 таси “Қишлоқ қурилиш банк” иштирокида молиялаштирилмоқда. Шу йилнинг етти ойи давомида жами 1304,3 млрд. сўм, шу жумладан, 483,8 млрд. сўмлик аҳоли маблағлари, 820,7 млрд. сўмлик имтиёзли ипотека кредитлари “Қишлоқ қурилиш инвест” инжиниринг компаниясининг махсус ҳисоб рақамларига пудрат ташкилотларини молиялаштириш учун ўтказиб берилди.

Таъкидлаш кераки, бунёдкорлик ишларига хорижий молия институтлар сармоялари ҳам кенг жалб этилмоқда. Мисол учун, 2016 йилда Ислом тараққиёт банкининг 20,7 млн. АҚШ доллари миқдоридаги маблағи Тошкент вилоятида 315 та уй-жой қурилиши учун йўналтирилиши белгиланган эди. Жорий йилнинг ўтган даврида ушбу банк томонидан ажратилган 10,7 млн. АҚШ доллари тўлиқ ўзлаштирилди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Саудия тараққиёт жамғармаси ўртасида 30,0 млн. АҚШ доллари миқдорида Қарз келишуви имзоланган бўлиб, бугунги кунгача шундан 15,2 млн. АҚШ доллари миқдорида маблағ жалб қилиниб, Хоразм вилоятида бунёд этилаётган 959 та якка тартибдаги замонавий уй-жой қурилишига йўналтирилаяпти.

Шунингдек, мазкур жамғарма қарз маблағлари ҳисобига Қорақалпоғистон Республикасида намунавий лойиҳалар асосидаги 668 та замонавий уй-жой қурилишини молиялаштириш ҳам белгиланган.

**МИЖОЗ ЭЪТИРОФИ**

**Раҳимжон ҚЎЧҚОРОВ,
замонавий уй-жой эгаси:**

*— “Қишлоқ қурилиш банк”нинг Фарғона минтақавий филиали томонидан ажратилган имтиёзли ипотека кредити ҳисобига Фарғона туманидаги “Машъал” массивида бунёд қилинган замонавий уй-жойлардан бирининг соҳиби бўлдик. Кредит тўловларини берилган имтиёзлардан фойдаланган ҳолда, ўз вақтида тўлаб бораяпмиз.*

*Намунавий лойиҳалар асосида қурилган уй-жойларнинг афзалликлари кўп. Аввало, шаҳардаги каби барча шарт-шароит муҳайё қилинган. Тоза ичимлик суви, табиий газ, электр энергияси билан тўлиқ таъминланган. Бундан оила аъзоларимиз, айниқса, турмуш ўртоғим жуда хурсанд.*

*Шундай шинам, кўркам ва барча қулайликка эга уй-жойда яшашдек орзуимиз ушалганидан беҳад мамнунмиз.*

**Шаҳноза РУСТАМОВА,
янги хонадон соҳибаси:**

*— Аввал кўп қаватли уйда яшардик. Тўғриси, хонадонимизнинг торлиги боис, айниқса, меҳмон келганда ноқулай аҳволга тушиб қолардик. Энди ҳаммаси бошқача. Чунки “Қишлоқ қурилиш банк”нинг Қашқадарё минтақавий филиали томонидан ажратилган имтиёзли ипотека кредити ҳисобига Қарши туманидаги “Гулистон” массивида қурилган кўркам уйлардан бирига кўчиб ўтдик.*

*Хонадонимиз кенг ҳамда шинам. Болалар, катталар, меҳмонлар учун алоҳида-алоҳида хоналари бор. Замонавий ошхона, ювиниш хоналарининг батартиблигини айтмайсизми?!*

*Юртбошимиз ҳар бир чиқишларида хотин-қизларга, уй бекаларига ғамхўрлик қилиш лозимлигини таъкидлайдилар. Бунинг амалий тасдиғини ўз ҳаётим, турмуш шароитим мисолида чуқур ҳис этиб турибман. Бундан жудаям бахтиёрман.*

### Қулай ва икки томонлама манфаатли

РЕКЛАМА ЎРНИДА

“Қишлоқ қурилиш банк” акциядорлик тижорат банки томонидан самарали депозит сиёсати юритилаётгани туфайли у умумий жалб қилинган маблағлар ҳамда аҳоли омонатларининг қолдиғи бўйича молия хизматлари бозорида етакчилар сафидан мустаҳкам ўрин эгаллади. Бинобарин, мазкур банк жамоаси пул муомаласи тизимини янада такомиллаштириш, маблағларнинг банкдан ташқари айланмасини қисқартириш мақсадида муайян ишлар олиб бормоқда.

Жорий йилнинг ўтган даврида мижозлар учун қулай ва икки томонлама манфаатли бўлган 10 та янги омонат тури жорий этилгач, доимий омонат турлари 33 тага етди. Шундан 23 таси миллий, 10 таси хорижий валютададир.

2016 йил 31 июль ҳолатига кўра, жами омонатчилар сони 75 минг нафардан ошди. Уларнинг банкдаги қўйилмалари уй-жой маблағларисиз 201,3 млрд. сўмни ташкил қилиб, йил бошидагига нисбатан 25,8 млрд. сўм ёки 114,7 фоиз ўсгани эътиборга моликдир.

**МИЖОЗ ЭЪТИРОФИ**

**Отабек ХАЛИЛОВ,
“Қишлоқ қурилиш банк”нинг
Тошкент шаҳар минтақавий
филиали мижози:**

*— Бир неча йиллардан буён бўш пул маблағларимни “Қишлоқ қурилиш банк” омонатида сақлаб келаман. Унга ҳисобланган фоизни ойма-ой олиб бораман.*

*Мазкур банкда фуқароларнинг омонатларини ҳимоялаш тобора такомиллаштириб борилаяпти. Мисол учун, омонатлар билан боғлиқ операциялар мижозларнинг иштирокисиз амалга оширилмаслигини қатъий назоратга олиш мақсадида шахснинг бармоқ излари намунасидан фойдаланиш, яъни “Биометрик идентификациялаш” тизими жорий этилган.*

*Бундан ташқари, банкнинг жамғарма кассаларида мижозларга омонат маблағлари тўғрисида маълумот олиш имкониятини берадиган “SMS-омонат” хизмати йўлга қўйилган бўлиб, бу вақтимизни тежамоқда.*

Кўриниб турибдики, “Қишлоқ қурилиш банк” ўзининг замонавий хизматлари билан қишлоқ жойларда қурилиш саноатини ривожлантириш, янги мулкдорлар синфини шакллантириш, энг асосийси, қишлоқ аҳолиси турмуш даражасини юксалтиришга муносиб ҳисса қўшмоқда. Кўп йиллик фаолияти мобайнида тўпланган бой тажриба, мустаҳкам молиявий пойдевор, қолаверса, бошқарув механизмининг самарали йўлга қўйилганлиги бунда муҳим омил бўлиб, пировардида банкнинг молия хизматлари бозорида эгаллаган мавқеи тобора юксалаётир.

**Банк ахборот хизмати.**

*Хизматлар лицензияланган.*

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 867. 76 092 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — М. Жонихонов.
Навбатчи — Д. Улуғмуродов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.45 Топширилди — 22.10 1 2 3 4 5 6